

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №31**

Бухоро ш.

"07 02 2022 йил.

"REGISTON" хусусий корхонаси бундан бўён матнда «Сотувчи» деб аталувчи, номидан низомга асосан фаолиятини амалга оширувчи директор Халилов А.К., бир томондан ва **«Бук.ви. Транспорт дошегарлари»** бундан бўён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан уставга асосан фаолият кўсатувчи раҳбар **97. Рахабов** иккинчи томондан, куйидагилар тўгрисида ушбу шартномани тузиши.

**1. Шартнома предмети**

1.1. "Сотувчи" ўзига тегишли мол-мулкни "Харидор" нинг мулки килиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошкарувига) беради, "Харидор" эса мол-мулкнинг хакини (тулик, кисман) туландандан кейин олиш мажбуриятини олади.

№	Товар номи	Улчов бирлиги	Бахоси	Микдори	Суммаси	Жумл. ККС
1	Сююлтирилган Газ	литр				15%
2	Бензин	<u>литр</u>	<u>9400</u>	<u>796</u>	<u>7482400</u>	15%
3	Дизел ёқигиси					15%
ЖАМИ:						15 %

Сумма суз билан: \_\_\_\_\_ сум ККС билан

1.2. Нархлар биржа катировка савдоларига мос равишда узгариб боради ва хисоб фактураларда акс эттирилади.

**2. Тулов шартлари**

2.1. Харидор товар учун олдиндан 100 фоиз пул кўчириш орқали туловни амалга оширади.  
2.2. Тулов накдсиз пул кўчириш йули билан амалга оширилади.

**3. Мажбуриятларнинг бажарилиш муддати**

3.1. Олдиндан тулов маблаги Сотувчининг хисоб ракамига тушган куни Товар "Харидор"га берилиши шарт. Товар Сотувчининг омборида Харидорнинг ишончномаси асосида харакат киладиган вакили томонидан сифат ва микдори буйича кабул килиб олинади ва бу хакда далолатнома тузилади. Сотувчининг омборида кабул килиниши жараёнида товарнинг микдори, бутлиги ва сифатини аниклаш имкони булмаган тақдирда, бу хакда далолатномада кайд этилади. Сотувчи омборидан олиб чиқиб кетилган товарларнинг сифати ва микдори, бутлиги юзасидан эътиrozлар кабул килинмайди (Топшириш-кабул килиш жараёнида товарнинг микдори, бутлиги ва сифатини аниклаш имкони булмаган холатларбундан мустасно).  
3.2. Шартнома амал килиш муддати: газначилик булимидан руйхатдан утган кундан бошлаб « 31 » декабрь 2022 йилгача.

**4. Тарафлар мажбуриятлари**

4.1. "Сотувчи"нинг мажбурияти:

4.1.1. Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида сифат ва микдори буйича тулик "Харидор"га мол-мулкни бериши шарт;

4.1.2. Сотувчи товарнинг келиб чиқишига, сифатига, бутланишига, ишлатиш кулланмаси ва хокоза шу товарга оид хужжатларни тақдим килиши шарт. Агар товарга оид хужжатлар тақдим килинмаган тақдирда Харидор товарни кабул килиш ва тулик тулловни амалга ошириши рад этишга ва шартномани бир томонлама бекор қилишга хакли.

4.2. "Харидор"нинг мажбурияти:

4.2.1. Махсулотни топшириш-кабул килиш далолатномасини тузган холда ушбу шартномада ва конун хужжатлари белгилантан бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб, муддатида махсулотни кабул килиб олиши шарт.

4.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичida Сотувчини огохлантириши шарт.

4.2.3. Молк-мулкнинг бахосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тулаш.

**5. Тарафлар жавобгарлиги**

5.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилмай колган тақдирда айбдор томон бошка тарафга етказилган зарарни тулик коплайди ва шартнома кийматининг бажарилмай колган кисмига нисбатан 5 фоиз жарима тулади.

5.2. "Сотувчи" мол-мулкни тулик етказиб бермаганлиги учун "Харидор"га етказиб берилмаган хар кун учун мол-мулк бахосидан 0,4 фоиз, лекин етказиб берилмаган товар кийматининг 50 фоизидан ортик булмаган суммада пеня тулади.

5.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаса, Сотувчи Харидорга сифатсиз товарнинг кийматига нисбатан 15 фоиз жарима тулади.

5.4. Товар хакини белгилантан 60 кунлик мухлатда тулик туламаган тақдирда Харидор Сотувчига тулов муддати утган хар бир кун учун 0,5 фоиз, лекин туланиши лозим булган сумманинг 50 фоизидан ортик булмаган пеня тулади.

5.4. Пеня (жарима) тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик шартлари Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар ширтномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конунига, хамда Фукаролик Кодекси мувофик белгиланади.

## 6. Форс-мажор холатлари

6.1. Хечбер тараф иккинчи тараф олдида узига боялик булмаган сабабларга кура ва енгид булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир).

6.2. Савдо палатасининг ёки бошка тегишли идоранинг берган гувохномаси ана шундай форс-мажор холатни тасдиқловчи хужжат хисобланади.

## 7. Низомни хал килиш тартиби

7.1. Ушбу шартномада ёки унга боялик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низомлар аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан хал килиб булмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судларида хал килинади.

## 8. Шартномага узгартариш ва кушимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартариш ва кушимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма равиша тузилиб, имзо куйилгандан кейингина юридик кучга эга булади.

8.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

## 9. Бошка холатлар

9.1. Ушбу шартнома иккала тараф бир хил кучга эга булиб, икки нусхада тузилган.

Тарафларнинг юридик манзилгохи ва тулов реквизитлари (маълумотлари)

"Сотувчи"

"Харидор"

### «REGISTON» Хусусий Корхонаси

Навоий вилоят Кизилтепа тумани Бустон МФЙ  
р\с 20208000600556125002

АТБ Агробанк Бухоро шахар бўлими  
МФО 00089

ИНН: 201591430 ОКЭД:47300

Телефон: +99891-251-82-88

e-mail: registon hasan@mail.ru



Директор

Халилов.А

Бухоро вилояти Агробанк бўштарма  
Бухоро ш. Оғ магистраласидуб  
х.р. 100021860064015045902259901  
Моеме Вазиримига Газнагашни  
МФО 00014  
ИНН 306333103  
биз. 90-711-31-30, 228-48-90



Директор

Р. Раджабов

M.U.

M.U.

Хукукий хулоса:

Мазкур шартнома шартлари ва мазмунни Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 386-424 моддаларига, хамда Узбекистон Республикасининг « Иктисодий юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конуни талабларига зид эмас.

Хукуқшунос